

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИКОВ УЛУҒБЕК РУСТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФОНД БОЗОРИ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферат диссертации
Content of the abstract dissertation

Халиков Улугбек Рустамович Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш.....	3
Халиков Улугбек Рустамович Совершенствование финансирования инвестиционной деятельности через фондовый рынок в Узбекистане.....	26
Khalikov Ulugbek Rustamovich Improvement of financing of investment activity through the stock market in Uzbekistan.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИКОВ УЛУҒБЕК РУСТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФОНД БОЗОРИ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.PhD/Iqt.40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Фарход Исамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хусанов Нодир Жумаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва
макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги 27.06.2017.1.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «_» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро капитал ҳаракати кўп жиҳатдан мамлакатлар миллий фонд бозорининг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида фонд бозорлари орқали инвестицияларни жалб этишда миллий фонд бозорларининг халқаро тус олиши, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, глобал интернет тармоғига уланиш ва компьютерлаштириш тизимининг жадал ривожланиши таъсирида инвестициялаш объектлари бўйича тезкор маълумотлар базасига эга бўлиш тенденциялари кузатилмоқда. Ҳозирда хорижий давлатларда фонд бозори ёки қимматли қоғозлар бозорининг ЯИМдаги салмоғи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хусусан, 2017 йил бошига ушбу кўрсаткич АҚШда 37 фоизни, Японияда 35, Францияда 33, Италияда 32, Германияда 31, Жанубий Кореяда 24, Голландияда 23, Хитойда 19 фоизни ташкил этди¹. Бу эса, мамлакатга инвестицияларни самарали жалб этиш учун, аввало, миллий фонд бозорини ривожлантиришни, ахборот ошқоралиги ва жозибадорлигини сезиларли даражада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон фонд бозорлари жадал суръатларда кенгайиб бораётган бир пайтда фонд бозори орқали инвестицияларни жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорида замонавий молиявий воситаларни жорий қилиш, инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар ҳисобига молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, айрим молиявий воситаларнинг рискларни келтириб чиқариш даражасини минималлаштириш, инвестицион банкларда қўлланилаётган дастлабки хавф сигнали (early warning signals) ва хавфсизлик тўрларини (safety nets) фонд бозорига мослаштирган ҳолда қўллашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий фонд бозорини шакллантириш ва уни капитал ҳаракатининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун кенг қамровли ишлар олиб борилди. Фонд бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, инфратузилмаси тўлиқ яратилди. Лекин, таъкидлаш лозимки, мамлакат миллий фонд бозори бугунги кунда пул ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдек, яъни инвестицияларни самарали жалб этишдек муҳим вазифасини тўлиқ уддалай олмаяпти. Шунинг учун ҳам миллий фонд бозорини ривожлантириш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Республикаимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича муҳим йўналишларни амалга

¹ Жаҳон фонд бозорлари федерациясининг йиллик бюллетени (WFE FY 2016 Market Highlights) маълумотлари.

ошириш мақсадида қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мамлакатимизда молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш, яъни мамлакат иқтисодиётига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш»² асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли, 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича бирламчи чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5177-сонли, 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли Фармони ҳамда инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишининг ИТД-2—«Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион фаолият ва уни молиялаштиришнинг устувор масалаларининг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари кўплаб хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, Л.Абалкин, Б.Алёхин, Р.Дорнбуш, А.Иванов, Я.Корнай, Ж.Матук, А.Навой, Э.Петере, Ж.Хикс, О.Хмыз, У.Шарп, Л. Сауткина, Е. Дорина ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 феврал.

³ Алёхин Б.И. Рынок ценных бумаг (введение в фондовые операции). М.: Финансы и статистика, 1991. – 230с.; Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1025 с.; Навой А.В. Структурный анализ международного движения капитала //Деньги и кредит. – М., 2007. – №1. –44 с.; Сауткина Л.С. Новые тенденции в механизме финансирования инвестиционного процесса // Контентус. 2015. № 5 (34). С. 1-7.; Дорина Е.Б. От гипотезы эффективности фондового рынка к теории поведенческих финансов // Белорусский экономический журнал. - 2013. - №4. - С. 118-125.

Ўзбекистонда инвестицион фаолият ва уни молиялаштиришнинг устувор илмий-назарий, услубий ва амалий масалалари И.Бутиков, А.Ваҳобов, Ф.Додиев, Н.Жумаев, Н.Каримов, В.Котов, А.Ли, Ф.Мирзаев, М.Хамидулин, Н.Хайдаров, Д.Ғозибеков, Ш.Шоҳаъзамий, Ф.Хамидова, Т.Ядгаров, Н.Хусанов ва бошқа иқтисодчи олим ҳамда мутахассисларнинг илмий ишларида ёритилган⁴.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар фонд бозори орқали инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий изланишларда фонд бозори орқали инвестиция ҳажмини кўпайтириш, турли молиявий воситалар ёрдамида кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, унинг ишлаб чиқариш ва аҳолининг иш билан бандликдаги ролини ошириш каби масалалар кенг миқёсда таҳлил этилмаган. Республикамизда фонд бозорини янада ривожлантириш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш, авваламбор, молиявий ресурсларга талабни арзон ва юқори самарали капитал билан таъминлашни йўлга қўйишнинг махсус илмий-назарий, амалий-услубий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асосларини тизимли ва комплекс тарзда тадқиқ қилиш бўйича махсус изланишларнинг олиб борилмаганлиги мавзунинг танланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги (2013-2017) стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

⁴ Ваҳобов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010. – 329 б.; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Ташкент: Консультинформ, 2008.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. –Т.: Молия, 2008. – 204 с.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23 с.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 41 б.; Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар мисолида): Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 2002. – 22 с.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2003. – 29 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2008. – 37 б.; Каримов Н. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.; Ли А.А. Международный опыт развития муниципальных ценных бумаг и его применение в условиях Узбекистана: автореферат дисс... к.э.н. – Ташкент, 2002. – 20 с.; Додиев Ф.У. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 1998. – 21 б.;Акромов Х.М. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири: Дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 2010. – 22 б.; Ядгаров Т.Д. Депозитарная система рынка корпоративных ценных бумаг и ее интеграция в международный рынок капитала: автореферат дисс.к.э.н. – Ташкент, 2008. – 20 с.; Хусанов Н.Ж. Развитие фондового рынка Республики Узбекистан на современном этапе // Материалы международной научно-практической конференции «Пятнадцатые международные Плехановские чтения». – М.: 2002. – С.116-118.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«фонд бозори» тушунчаси ва фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ этиш;

фонд бозори орқали иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий концепциялари ва уни жадаллаштириш омилларини ўрганиш;

Ўзбекистонда фонд бозорининг ривожланиш босқичлари, «Тошкент» фонд биржаси орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш ҳамда фонд бозори орқали инвестицияларни жалб этишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

мамлакатга инвестицияларни жалб қилишда миллий фонд бозорига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар асосида баҳолаш;

инвестицион фаолиятни фонд бозори орқали молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб «Тошкент» Республика фонд биржаси орқали амалга оширилувчи инвестицион фаолият ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, функционал ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, прогнозлаш, иқтисодий жараёнларни англашни мантикий ҳулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган. Маълумотларни тасвирлашда кумулятив миқдор (CUSUM), позицион график (SPOTTED) ҳамда мураккаб кўринишдаги авторегрессив тақсимланган лаг (оралиқ) Autoregressive Distributed Lag (ARDL) модел ва усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

фонд бозори фаолиятини янада ривожлантириш учун узоқ муддатли ва юқори даромад келтирувчи воситаларни муомалага киритиш, хусусан, қимматли қоғозлар воситаси сифатида «инфратузилмавий облигация»лардан фойдаланиш орқали инвестицияларни молиялаштириш таклиф қилинган;

қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришнинг самарали усулларида бири сифатида «депозитар тилхат» воситасидан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

мамлакатдаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва ликвидлилик даражаси юқори бўлган компанияларнинг фонд бозоридаги иштироки

кўламини ошириш ҳамда қўшимча қимматли қоғозлар чиқариш механизми такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш мақсадида уларнинг устав капиталида давлат улушини қисқартиришнинг самарали йўллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фонд бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари ҳамда унинг инвестицияларни молиялаштиришдаги роли ва аҳамияти очиб берилиб, миллий фонд бозорининг ривожланиш ҳолатига баҳо берилган;

«Тошкент» Республика фонд биржасининг халқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида бозор мувозанатини таъминлаш тамойилларидан фойдаланиш тавсия этилди;

Ўзбекистон молия бозорига янги воситаларни жорий қилиш яъни, «IPO» ўтказиш механизми яратилган ва амалиётга татбиқ этиш йўллари асосланди;

Республика фонд биржасида ЯДТК (ягона дастурий таъминот комплекси)ни такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

келгуси истикболда инвестицияларни фонд бозори орқали молиялаштириш имкониятлари аниқ моделлар асосида эконометрик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни иқтисодчи олимларнинг фонд бозорини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Тошкент» фонд биржасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш ва ривожлантириш, республикада фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар акцияларининг инвестицион жозибadorлигини кучайтиришига бағишланган илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан корхоналар акцияларини фонд бозори орқали сотиш ҳамда инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари ва услубий кўрсатмаларини ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим муассасаларида «Инвестициялар портфелини бошқариш», «Молия бозори ва қимматли қоғозлар» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвесторлар фаолиятини янада ривожлантириш учун узоқ муддатли ва юқори даромад келтирувчи воситаларни муомалага киритиш, хусусан, қимматли қоғозлар воситаси сифатида «инфратузилмавий облигация»лардан фойдаланиш орқали инвестицияларни молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ-387-сон билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририга киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 7 декабрдаги ЁТ/15-04-32-10/205-2216-сон маълумотномаси). Натижада молия бозори фаолияти янада такомиллашиб, инвестицияларни молиялаштириш манбалари кенгайди;

қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришда «депозитар тилхатлар» воситаларидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ-387-сон билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририга киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 7 декабрдаги ЁТ/15-04-32-10/205-2216-сон маълумотномаси). Натижада миллий фонд бозорининг хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш борасидаги ҳуқуқий-услубий асосларининг такомиллашишига имкон яратди;

хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, қўшимча акциялар чиқариш йўли билан мамлакатдаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва ликвидлилик даражаси юқори бўлган компаниялар акцияларининг фонд бозоридаги кўламини ошириш таклифи «Тошкент» Республика фонд биржаси амалиётига жорий қилинди (2016 йил 14 декабрдаги 01/08-07-1714-сон маълумотнома). Бунинг натижасида республика фонд биржасида тузилган битимлар ҳажми 10 фоизга ортди;

акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни жалб этиш, шунингдек акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат улушини қисқартириш таклифи «Тошкент» Республика фонд биржаси амалиётига жорий қилинди (2016 йил 14 декабрдаги 01/08-07-1714-сон маълумотнома). Бунинг натижасида биржа савдо айланмасининг 49 фоизга ошишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 13 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрлардан 13 та илмий мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида фонд бозори орқали инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти, жумладан, муомалада вақтинча бўш турган пул маблағларини миллий фонд бозори орқали жамлаш, қайта тақсимлаш ва иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантиришни молиялаштириш зарурияти илмий-назарий ва услубий жиҳатдан асосланган.

Муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бугунги кунда «фонд бозори» тушунчаси моҳиятан молиявий категория сифатида қаралса-да, аҳамият жиҳатидан жаҳон иқтисодиётнинг барқарорлигига бевосита таъсир қилувчи омиллардан бири эканлиги асослаб берилган.


Ўз навбатида, 1998 йилда рўй берган Осиё инқироzi ҳақида хорижлик иқтисодчи олимлар ўз фикрларини баён эта туриб, «совуқ уруш энди қуроллар билан эмас, балки капиталлар орқали олиб борилмоқда. Энди ким қайси давлатга ҳарбий ускуналарини ўрнатгани кўрқинчли эмас, балки, кимнинг корпорацияси қайси мамлакат иқтисодиётига ўрнашиб олаётгани ғалабадир»⁵ деб, айнан фонд бозорининг замонавий иқтисодий тизимдаги аҳамиятига урғу беришган.

⁵ Mark, W. (2012). The Presidency of Bill Clinton: The Legacy of a New Domestic and Foreign Policy. History Publishers. 280 p.

Жаҳон иқтисодиётида юз берган глобал инқироз ва унинг барча соҳани қамраб олган узоқ муддатли асоратлари айнан фонд бозори фаолиятдан келиб чиққани ҳам бежизга эмас. Дарвоқе, фонд бозори тараққий этган ва жадал ривожланаётган давлатларда «капитал аккумулятори» вазифасини бажармоқда, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини фонд бозорига кенг жалб қилиш орқали ҳаракатсиз активларни инвестицияга айлантирмоқда. Мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаниб, уларнинг самараси фонд бозори фаолияти кўрсаткичлари билан тавсифланмоқда. Фонд бозори мамлакатдаги мулкый муносабатларнинг ривожланиш даражасини акс эттириш билан бир қаторда бизнес муҳити ҳамда аҳоли ва корхоналарнинг молиявий фаоллигини ҳам ифодалайди.

Халқаро амалиётда фонд бозорларида кенг қўлланилаётган янги инновацион бозор воситаларини (венчур капитали, ипотека сертификатлари, IPO, фонд бозори орқали бирлашиш ва қўшиб олиш (M&A) битимлари, стартапларни секьюритизациялаш) миллий фонд бозорига жорий қилиш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг афзалликлари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон фонд бозоридаги молиявий воситаларнинг таркиби, уларнинг қўлланилиш даражаси ва мавжуд камчиликлар муаллиф томонидан таҳлил қилинган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон фонд бозоридаги молиявий воситаларнинг таркиби ва қўлланилиш даражаси жиҳатидан таснифи⁶.

⁶ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

1-расмдан кўринадикки, фонд бозори воситалари биржа савдоларидаги иштироки ва бозор айланмасидаги улушига кўра 4 гуруҳга ажратилди. Биржа савдоларидаги улуши ва биржа битимлари сонига кўра акция, облигация ва REPO битимлари «фаол воситалар» гуруҳига киритилди. Қонунда рухсат этилган воситалардан ҳосилавий қимматли қоғозлар ва депозит сертификатлари улуши сезиларсиз бўлгани сабабли «нофаол» воситалар гуруҳига киритилган бўлса, инфратузилма облигациялари, депозит тилхатлар, векселлар ва ғазначилик мажбуриятлари умуман савдоларда иштирок этмаётганлиги боис «жорий қилинган, лекин қўлланилмаётган» восита сифатида таснифланди. Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган восита ва операциялар, хусусан, IPO, бирлашиш ва қўшиб олишлар (M&A), венчурли молиялаштириш, стартапларни секьюритизациялаш, ипотека сертификатлари миллий иқтисодиёт, шу жумладан, фонд бозорининг тайёрлик ҳолатига қарамасдан жорий этилмаганлиги сабабли мазкур номдаги гуруҳ таркибида инобатга олинди.

Ўзбекистонда бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фонд бозори ва биржа савдоларининг асосий иштирокчиси бўлиб, улар фаолиятининг барқарорлиги, ўз навбатида, фонд бозорининг самарадорлигини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этиши асосланган. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 659 та акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, уларнинг атиги 191 таси (28 фоиздан ортиғи) тегишли талабларни бажарганлиги учун фонд биржаси листингига киритилганлиги қайд этилган. Уларнинг 468 нафари (72 фоизи) эса, талабларни бажармаганлиги учун листингга киритилмаганлиги асослаб берилган.

Жаҳон амалиётида етакчи фонд биржалари ўз индексларини шакллантиргунга қадар листингга киритиш учун акциядорлик жамиятларига нисбатан «юмшоқ» талаблар (Soft Policy) белгиланган бўлиб, листингга кириш жараёнлари ниҳоятда содда бўлган. Бу эса, фонд бозорида листингга кирган компаниялар сонининг ва улардаги қимматли қоғозлар жозибadorлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистонда эса фонд бозори индекси жозибadorлиги нисбатан паст бўлишига қарамасдан листинг талаблари мураккаброқ бўлиб, акциядорлик жамиятлари биржа савдоларида иштирок этишдан манфаатдор эмас. Хусусан, листинг талаблари ичида устав капитали миқдори ва рентабелликка бўлган талаб ҳамда листингга киргандан кейинги ташкилий-идоравий талаблар (ҳисобот тақдим этиш, эмиссия рисоласини наشر этиб бориш, веб-сайтни мунтазам равишда янгилаб бориш ва ҳ.к.) уларнинг фонд бозорида фаолият юритишига салбий таъсир қилаётганлиги назарий-услубий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакат миллий фонд бозорининг ривожланишини таъминлашда инновацион, илмий ва молиявий

саводхонлик салоҳиятларини ҳисобга олиш зарурлиги асослаб берилган, фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш жараёнларининг таҳлили, шунингдек, фонд бозори орқали жалб қилинган инвестицияларнинг қийматини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Ҳозирги вақтда республикамизда фонд бозорининг 100 дан ортиқ профессионал иштирокчилари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу соҳада 70 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда қўлланилмоқда. Миллий фонд бозорини ривожлантиришда Халқаро молиячилар ва иқтисодчиларнинг «Ўттиз гуруҳи» (The Group of Thirty) тавсияларини бажаришга йўналтирилган навбатма-навбат қадам ташланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «Тошкент» Республика фонд биржасининг асосий иштирокчилари тижорат банклари ҳисобланиб, унинг савдо айланмасида доимий равишда қарийб 60-70 фоизини банк қимматли қоғозларининг олди-сотдиси ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, реал сектор корхоналарининг фонд бозоридаги иштироки жуда сустлиги ва инвестицияларни фонд бозори орқали жалб этишда бир қатор муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

1-жадвал


Ўзбекистон қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида ҳисоби юритилаётган облигациялар тўғрисида маълумот⁷

Эмитентлар	Чиқарилиш ҳажми (млрд. сўм)	Облигациялар сони (млн. дона)
Жами:	254,27	0,58
Корпоратив облигациялар:		
Шу жумладан:		
Банклар:	204,27	0,53
Ўзбекистон саноат-қурилиш банки АТБ	43,06	0,34
ТИФ Миллий банк	100,00	0,10
Асака АТБ	30,00	0,03
Ипак йўли АИТБ	8,21	0,01
Қишлоқ қурилишбанк АТБ	5,00	0,01
Трастбанк хусусий акциядорлик банки	2,00	0,0020
Туронбанк АТБ	3,00	0,0030
Алоқабанк АТБ	3,00	0,03
Капиталбанк АТБ	5,00	0,01
Ипотека банк АТИБ	5,00	0,0005
Бошқа эмитентлар:	50,00	0,05
Ўзавтосаноат АК	50,00	0,05
II. Инфратузилмавий облигациялар:		
Эмитентлар	Чиқаришлар ҳажми (млрд. сўм)	Облигациялар сони (млн. дона)
Жами:	-	-

⁷ Муаллиф томонидан қуйидаги манба маълумотлари асосида тайёрланди:
http://www.deponet.uz/sites/default/files/n_sayt_uzb_011217.pdf

Шунингдек, «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» давлат корхонасининг 2017 йил 1 декабрдаги ҳолатидаги маълумотларига кўра жами 254,27 млрд. сўм умумий миқдорга эга 581,3 минг донa корпоратив облигациялар ҳисоби юритилган. Шундан 204,27 млрд. сўм умумий миқдорга эга 553 минг донaси 10 та тижорат банклари ва реал сектор корхоналаридан фақат «Ўзавтосаноат» АК томонидан облигациялар эмиссия қилганини кўриш мумкин (1-жадвал).

Ҳозирда Ўзбекистонда коллектив инвесторларнинг роли жуда паст бўлиб, уларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланадиган инвестиция фондларининг фаолияти қониқарсиз даражада қолмоқда. Республикамизда атиги 9 та инвестиция фондлари фаолият юритади, шунингдек суғурта компаниялари фонд бозорида умуман фаолият олиб бормаяпти (2-расм).



2-расм. «Тошкент» Республика фонд биржаси савдо айланмасида тижорат банкларининг улуши¹⁰.

Шу сабабли, коллектив инвесторларнинг асосий иштирокчиси сифатида тижорат банклари фаолият юритиб, уларнинг маблағлари асосан акциялар ва қисман облигациялар олди-сотдисига йўналтирилган.

2-расмдаги маълумотлардан яққол кўриш мумкинки, таҳлил даврида Республика фонд биржаси савдо айланмасида тижорат банкларининг улуши сезиларли даража ўсган. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2012 йилдаги 51,6 фоиздан 2015 йил якунига келиб 87,8 фоизни ва 2016 йил якунида ҳам ўртача 50 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, тижорат банкларининг асосий молиявий воситачи сифатида Республика фонд биржаси савдо айланмасида юқори мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Айтиш жоизки, коллектив инвесторлар анъанавий тарзда жамғармаларни жалб қилиш ва уларнинг самарали жойлаштирилишини таъминлайди, лекин уларнинг биржа айланмасидаги операциялари улуши йилдан-йилга пасаймоқда. Коллектив инвесторлар фаолиятининг суғлигини қуйидаги сабаблар орқали изоҳлаш мумкин:

фонд бозорининг юқори ликвидли эмаслиги;

дивидендлардан олинадиган даромадларнинг солиққа тортилиши, ўз

¹⁰«Тошкент» фонд биржаси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.


навбатида, аҳоли реал даромадларининг нисбатан камайишига олиб келиши (банк омонатларидан олинадиган даромадлар солиққа тортилмайди);

ўз фаолиятини анъанавий даромад манбаига йўналтириши:

асосий фойданинг банкларда – кредит бозорида, суғурта компанияларида эса – депозит бозорида ва давлат қимматли қоғозлар бозорида шаклланиши;

- молия бозори бошқа воситалари эвазига даромадлар манбаини кенгайтириш бўйича қатъий стратегияларнинг мавжуд эмаслиги.

Ҳар бир коллектив инвестор фаолиятининг асосий мақсади имкон қадар юқори даражада фойда олишга қаратилад экан, ушбу мақсадга эришиш бевосита инвестиция портфелининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.



3-расм. «Тошкент» РФБда 2012-2016 йиллар давомида амалга оширилган савдо айланмаси, млрд.сўм¹⁴

Коллектив инвесторларнинг фонд бозорида фаол иштирок этмаслиги фонд биржаси савдосига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биржа савдо ҳажмларининг сўнгги 5 йилликдаги натижалари таҳлиliga кўра, 2016 йил якуни бўйича биржа савдо айланмаси ўз фаолияти давридаги энг юқори кўрсаткичга эришди. 2012 йилда биржа савдо айланмаси 170,7 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу миқдор энг паст кўрсаткични, яъни 93,2 млрд. сўмни ташкил қилган.

Республикамиз қимматли қоғозлар бозори рақобатбардошлигини оширишнинг асосий кўрсаткичи – бу иккиламчи бозорнинг ривожланиш даражаси ҳисобланади. Ушбу бозорнинг ривожланишида тижорат банклари, инвесторлар ва турли хил хўжалик юритувчи субъектлари, айниқса, йирик компаниялар муҳим роль ўйнайди. Лекин, аксарият акциядорлик жамиятлари листинг талабларига жавоб бера олмаслиги туфайли иккиламчи бозордаги фаоллиги сустлигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони кучга киргандан

¹⁴ «Тошкент» фонд биржаси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

сўнг 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 659 акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига жами акциядорлик жамияти сони 714 тани ташкил қилган бўлса, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб 1088 тани ташкил қилди. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра биржа листингига киритилган акциядорлик жамиятларининг умумий сони 191 тани ташкил қилади, шундан, 24 таси олий тоифа ҳисобланадиган «А» тоифага, 29 таси «В» тоифага, 107 таси «С» тоифага ва 31 таси эса, «Р» тоифа талабларига жавоб беради. Хусусан, 2016 йилда листинг компанияларининг акциялари билан жами 224,2 млрд. сўмлик 352 та битимлар амалга оширилиб, бу биржа умумий савдо айланмасининг 75 фоизни ташкил қилди. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фонд биржасидаги асосий листинг компаниялар – бу банклар ёки давлат улуши катта бўлган йирик акциядорлик жамиятларидир. Бу, ўз навбатида, хорижий инвестицияларни фонд бозори орқали жалб этишда муайян муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Диссертациянинг ушбу бобида фонд бозоридаги инвестицион фаолиятга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили мураккаб эконометрик усулларга асосланган ARDL модели бўйича амалга оширилди. Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш жараёнларига «Тошкент» Республика фонд биржаси фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўлган бозор капитализацияси, сотилган акциялар сони ва эмиссия билан боғлиқ омиллар таъсирини баҳолаш куйидаги кўринишда ифодаланди:

$$MTR = f(IPO, MCP, STC) \quad (1)$$

Бу ерда,

MTR – бозор айланмаси ҳажми;

IPO – эмиссия;

MCP – бозор капитализацияси;

STC – сотилган акциялар сони.

Юқоридаги 1-формула оддий функционал боғлиқликни ифодалаш билан бирга эрксиз ва эркин ўзгарувчилар таркибини изоҳлаб беради. Песаран коидасига мувофиқ юқоридаги формула ARDL модели асосида тестдан ўтказилди.

Стационарликни аниқлаш мақсадида кенгайтирилган Дикки-Фуллер⁸ ва Филлипс-Перрон⁹ бирлик илдиз тестлари ўтказилди. Кенгайтирилган Дикки-Фуллер ва Филлипс-Перрон тестлари фақат $\ln MCP$ $I(0)$, яъни нолинчи тартибда стационар эмаслигини, қолган ўзгарувчилар $\ln MTR$, $\ln IPO$, $\ln STC$ бирламчи тафовутда, яъни биринчи тартибда стационарлигини боғлиқлик тести шартларига мувофиқ, биринчи тартибда барча ўзгарувчилар стационар ҳисобланади. Бирлик илдиз тестидан сўнг натижани ишончлилиқ даражасини билиш учун боғлиқлик тести

⁸ Dickey D. and Fuller W. (1979). «Distribution of the Estimators for Autoregressive Time Series with a Unit Root». Journal of the American Statistical Association. 74 (366): 427–431.

⁹ Phillips P. and Perron P. (1988). «Testing for a Unit Root in Time Series Regression». Biometrika. 75 (2): 335–346.

ўтказилди. Коинтеграция мавжудлиги исботлангандан кейин узок муддатли боғланиш ARDL модели ёрдамида аниқланди:

$$\ln MTR_t = \varphi_0 + \beta_1 \ln IPO_{t-1} + \beta_2 \ln MCP_{t-1} + \beta_3 \ln STC_{t-1} + u_t$$

Эконометрик таҳлилни қимматли қоғозлар бозорини ARDL усулидан фойдаланиб, узок муддатли боғлиқлик тести ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзгарувчи	ARDL коэффиценти		t-статистика	Эҳтим.*
	Коэффиц.	Ст. хатолик		
LnMTR(-1)	-0.048106	0.117358	-0.409904	0.6833
LnIPO	0.068412	0.046011	1.486866	0.1421
LnIPO(-1)	-0.021011	0.031880	-0.659047	0.5123
LnIPO(-2)	0.103460	0.036712	2.818105	0.0065
LnMCP	-0.298742	1.425033	-0.209639	0.8346
LnSTC	0.488546	0.112829	4.329982	0.0001
C	5221.816	8325.979	0.627171	0.5328
Қолдиклар квадрати	0.681572	Эрксиз ўзг. ўрт. арифм.		15317.46
Ўзгарган қолдиклар квадрати	0.531402	Эрксиз ўзг. станд. оғиши		15754.03
Регр. станд. Хатолиги	11879.40	Акаике мезони		21.69893
Қолд. квадр. Йиғиндиси	8.75E+09	Шварц мезони		21.92557
Логариф. ҳақ. Яқинлик	-741.6129	Ханнан-Квин мезони		21.78884
F-статистика	9.598727	Дарбин-Уотсон мезони		1.999111
Эҳтимоллик (F-стат.)	0.000000			

*Изоҳ: Р-қийматлар ва бошқа тестлар модел танлашда эътиборга олинмайди.

2-жадвалда берилган ARDL коэффицентлари эмиссия қилинган ва сотилган акциялар сони инвестиция хажмига ижобий таъсир этишини кўрсатди. Бошқа кўрсаткичлар ўзгармаган шароитда агар эмиссия ҳажми бир бирликка ортса, бозор айланмаси ҳажми 0,14 бирликка ортади, сотилган акциялар сони 1 бирликка ортса, бозор айланмаси 0,48 бирликка ортади. Р-қийматини эҳтимоллиги 5 фоиздан катта бўлганлиги сабабли бозор капитализацияси ҳажмининг коэффиценти аҳамиятсиз деб топилди.

Эконометрик таҳлилда мукамал ва батафсил натижага эришиш учун ARDL моделида қисқа ва узок муддатли боғлиқликни текшириш мақсадга мувофиқ. Қисқа муддатли боғланиш тестини ўтказиш учун эконометрик моделга хатоликни тўғрилаш механизми элементларини қўйиб, қуйидаги кўринишга келтирилди:

$$\Delta \ln MTR_t = \varphi_0 + \sum_{i=1}^p \varphi_1 \Delta \ln MTR_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_2 \Delta \ln IPO_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_3 \Delta \ln MCP_{t-i} + \sum_{i=0}^p \varphi_4 \Delta \ln STC_{t-i} + \delta ECM_{t-1} + u_t$$

Бу ерда, φ_0 – константа, u_t – стандарт хатолик, $\varphi_1, \dots, \varphi_5$ – қисқа муддатли

эластиклик, $\beta_1, \dots, \beta_5$ – узок муддатли эластиклик, $ЕСМ$ – хатоликни тўғрилаш коэффициенти, δ – ўзгариш тезлиги (ўзгарувчанлик коэффициенти).

3-жадвал

Коинтеграция шакли ва узок муддатли боғлиқлик тести

Ўзгарувчи	Коэффиц.	Ст. хатolik	t-статистика	Эҳтим.
D(LnIPO)	0.068412	0.046011	1.486866	0.0421
D(LnIPO(-1))	-0.103460	0.036712	-2.818105	0.0065
D(LnMCP)	-0.298742	1.425033	-0.209639	0.8346
D(LnSTC)	0.488546	0.112829	4.329982	0.0001
CointEq(-1)	-1.048106	0.117358	-8.930819	0.0000

$$\text{Cointeq} = \text{MTR} - (0.1439 \cdot \text{IPO} - 0.2850 \cdot \text{MCP} + 0.4661 \cdot \text{STC} + 4982.1467)$$

Узок муддатли коэффициентлар

Ўзгарувчи	Коэффиц.	Ст. хатolik	t-статистика	Эҳтим.
LnIPO	0.143937	0.059262	2.428821	0.0181
LnMCP	-0.285030	1.359475	-0.209662	0.8346
LnSTC	0.466123	0.116159	4.012805	0.0002
C	4982.146735	7870.296122	0.633032	0.5290

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хатоликлар тўғриланганидан сўнг эмиссия ва сотилган акциялар сони фонд бозори айланмасига ижобий таъсир қилиши (мос равишда 0.068412 ва 0.488546), бозор капитализацияси эса салбий ва аҳамиятсиз (-0.298742) таъсирга эга эканлиги маълум бўлди.


Узок муддатли боғлиқлик тести эса, омилар таъсирининг бир мунча ўзгаришини кўрсатди. Жумладан, узок муддатда эмиссия ҳажми ва сотилган акциялар сони бозор айланмаси ҳажмига ижобий (мос равишда 0.143937 ва 0.466123) ва бозор капитализацияси салбий ва аҳамиятсиз (0.285030) таъсир қилиши аниқланди.

Таҳлиллардан олинган натижанинг аҳамиятлилиги ва ўринлилигини аниқлаш мақсадида моделда диагностик тестлар ўтказилди. Дастлаб, автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Бройш-Годфрининг Лагранж мультипликатори тести натижасида Хи-квадратнинг қиймати қолдиқ квадратлар қийматидан кичик бўлганлиги сабабли моделда автокорреляция мавжуд эмас. Автокорреляция мавжуд эмаслиги Дарбин-Уотсон мезонида ҳам тасдиқланган эди.

Моделга асос бўлган регрессияда мавжуд хатоликнинг қандай тақсимлангани, яъни тарқоқ (гетероседастик) ёки уюшганлигини (гомоседастик) аниқлаш мақсадида ўтказилган Бройш-Паган-Годфри тести ёрдамчи R-квадрат қийматининг Хи-квадрат қийматидан катталиги ёки F-статистика коэффициенти 5 фоиз ишонч интервалида F(6,62) тақсимотидан катталигини кўрсатди.

